

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ЮЗАСИДАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИЛАРНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафаров Хуршид Уринкулович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.

АННОТАЦИЯ:

мақолада давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан сўроқ қилиш тартиби ҳақида сўз юритилиб, сўроқ қилишда алоҳида аҳамият бериладиган ҳолатлар ҳақида фикр билдирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: давлат хариди, сўроқ, тергов ҳаракати.

Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни билиб олиш, аниқлаш маълум тайёргарлик кўришни, унга жиддий тайёрланишни, унинг ўзига хос хусусиятларини, айбланувчининг шахсини пухта ўрганишни талаб этади. Айбланувчининг шахсини ўрганишда унинг маънавий томони, турмушдаги урни, юриш-туришига доир томонлар батафсил урганилиши керак¹. Шу сабабли терговчи томонидан сўроқ тергов ҳаракатини ўтказишдан олдин иш ҳужжатларини пухта ўрганиб, сўроқ қилинувчига бериладиган саволлар, сўроқ қилиш кетма-кетлигини белгилаб олган ҳолда сўроқ қилинувчи ишнинг қайси томонларини очиб бериши мумкинлигига қараб, сўроқ тергов ҳаракатига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўтказилади.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилишда сўроқ қилинувчи мансабдор шахслар, унинг корхоналарнинг раҳбарлари, ҳисобчилари, таъминотчилари, омбор мудирлари, биржа ходими ёки оператори, тадбиркорлик субъекти ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари бўлгани сабабли сўроқ қилишга пухта тайёргарлик кўриш керак. Ушбу тоифадаги шахслар мансабдор шахслар бўлгани, ҳукукий ва ўзининг соҳасида билими юқори бўлиши мумкинлиги сабабли сўроқ давомида ўзларига енгилликлар бериш ёки жавобгарликдан қутилиш мақсадида ҳар хил важларни келтиришади. Шу сабабли сўроқ қилинувчи кейинги саволларга қандай важлар келтиришини олдиндан уйлаб, ушбу важларини инкор қилувчи саволларни ва далилларни келтириш зарур бўлади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш чоғида улар кўрсатма бермаслик ҳукуқига эга эканлигини инобатга олиш керак. Агар улар кўрсатмалар беришни билдиришса, берган ҳар бир кўрсатмаларини бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан текшириш кўришни тақозо этади. Хусусан, гувоҳлар, бошқа гумон қилинувчи айбланувчиларнинг кўрсатмалари ва тўпланган ҳужжатлар билан уларнинг

¹ Криминалистика тактикаси. Р.Алимова ва бошқалар муаллифига. –Т. 2000 й. 62-б.

кўрсатмалари тасдиқланаётганига эътибор қаратилади. Мансабдор шахсларни сўроқ қилишдан олдин уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари, корхоналарнинг йўриқномалари, тузилган шартномалар, функционал (лавозим) вазифа ва мажбуриятларини ўрганиб чиқиб, унинг жавобгарлигини ва масъуллигини белгиловчи мажбуриятларини қўллаган ҳолда сўроқ давомида берилиши лозим бўлган саволномаларни тузиш лозим. Агар зарурат тақоза этса сўроқ қилинувчининг ишлаган соҳасига қараб, ушбу соҳани чуқур билувчи мутахассисни жалб қилиб, сўроқ қилишдан олдин соҳага оид қўшимча маълумотларни олиш ва сўроқ қилинувчига берилиши мумкин бўлган саволнома қўшимча тузиб олинади.

Гумон қилинувчи, айбланувчини сўроқ қилиш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-113-моддаларида қайд этилган қоидаларга асосан амалга оширилиб, дастлаб сўроқ қилинувчига эркин сўзлаб бериш таклиф этилиб, сўнг ишга алоқадор гумон қилинувчи, айбланувчини айбини тасдиқловчи ҳолатлар юзасидан кетма-кетликда савол-жавоб шаклида ўтказилади. Иш юзасидан қўшимча маълумотларни қўлга киритиш мақсадида сўроқни тўлиқ амалга ошириб, сўроқ қилинувчининг оила аъзолари, яқин қариндошлари ва уларнинг яшаш жойлари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг сўроқ қилинувчининг муқаддам ишлаган иш жойлари ва лавозимлари ҳақидаги маълумотлар кетма-кетликда қайд этиб борилади.

Сўроқ қилиш тергов вазиятига қараб ҳар бир эпизодлар юзасидан алоҳида-алоҳида ўтказилиши мумкин. Сўроқ қилинувчи гумон қилинувчи ва айбланувчининг шахсини ва характерини ўрганиб, унинг характеридан келиб чиқиб сўроқни ташкиллаштириш мақбул ҳисобланади. Баъзида сўроқ қилинувчини характери ва шахсини ўрганиш учун тезкор бўлинмаларга топшириқ берган ҳолда ва уларнинг ҳамкорликка жалб қилиб, сўроқ қилинувчини иш ва яшаш жойидан шахсини ўрганиб олиш лозим бўлади. Агар сўроқ қилинадиган гумон қилинувчи, айбланувчи юқори лавозимдаги масабдор шахс бўлса, уни тажрибали терговчи томонидан сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва шунда сўроқ қилинувчи билан психологик алоқага киришиш осон кечади.

Сўроқ қилиш аввало давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этилиш механизми, шарт-шароити, жиноят содир этган шахслар доираси, талон-торож қилинган пул маблағлари ва мол-мулкларни аниқлашга қаратилиши лозим. Сўроқ қилишда жиноятни содир этиш босқичлари: жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятни содир этувчи шахсларни вазифаларининг тақсимланиши, шартномаларни тузиш, товарлар, ишлар ва хизматларни бажариш вақтидаги суиистемоллик ва талон-торож қилиш, сифатсиз, қиммат нархда ёки кам миқдорда ўтказилган товарлар, ишлар ва хизматни ўрнатилиши, пул маблағларини ўзлаштириш механизми, жиноятни фош бўлишини олдини олиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштириш жараёнларини фош этилиши зарур.

Жиноят иши бўйича бир неча гумон қилинувчилар бўлса, уларни сўроқ қилишдан олдин содир этган қилмишдаги даражаси ва ролини ҳамда уларнинг характерини ўрганиб, сўроқ қилиш кетма-кетлигини белгилаб олинади. Гумон қилинувчиларга ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган бўлса, улар иш ҳолатларини ва терговчи уларга бераётган саволларини ўрганиб ўзаро келишган ҳолда терговни чалғитиш мақсадида бир хилда кўрсатмалар беришини олдини олиш мақсадида уларни бир-бирларини кўрмаган ҳолда бир вақтнинг ўзида терговга чақириб тергов гуруҳи таркибида сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ. Тергов гуруҳи раҳбари бўлган терговчи ҳар бир гумон қилинувчи ва гувоҳлар берган кўрсатмаларидан келиб ёлғон кўрсатма бераётган гумон қилинувчиларга қўшимча саволларни қуйиши мумкин. Гумон қилинувчиларни сўроқ қилишда ҳақиқий ҳолатни кўрсатма берса ва жиноят иши доирасида давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаб, жиноятни очида фаол ёрдам берган тақдирда Жиноят кодексидаги рағбатлантирувчи нормалар ва айблов ҳулоасини тузиш вақтида жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар қўлланилиши тушунтирилиши керак.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар мансабдорлик жиноятлар туркумига кириши ва ушбу жиноятларни содир этиш вақтида кўплаб ёлғон маълумотлар киритилган ва бошқа ҳужжатлар тузилиши мумкинлиги сабабли сўроқ қилинувчи ҳолатларни эслай олмаса уларга ўзлари тузган, танишган ёки имзолаган ҳужжатларни эслаб олишлари учун тақдим этилиши мумкин.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятни содир этгани учун ушлаб туриш процессуал мажбурлов чораси ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи, айбланувчи тергов ҳибсхонасидан айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза (пушаймонлик хати, иқрорлик аризаси) билан мурожаат этса, терговчи ушбу ариза юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчини тўлиқ сўроқ қилиши керак. Сўроқ вақтида айбини бўйнига олиш тўғрисидаги аризани ўз ихтиёри билан ёзгани, унга нисбатан ариза ёзиш юзасидан тазйиқ ўтказилган-ўтказилмаганини аниқлаштириб олиш лозим бўлади. Агар бирор-бир кўринишда тазйиқ ўтказилган бўлса мажбурий равишда хизмат текшируви ва тегишли экспертизаларни ўтказиб, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ушбу кўрсатувларига баҳо ҳуқуқий бериш зарур.

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқданган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкин. Бошқача айтганда, айбланувчининг айбига иқрор бўлиши «далиллар маликаси» сифатида тан олинган ўтмиш сабоқлари инобатга олиниши лозим².

² Жиноят процесси. Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов ва бошқаларнинг умумий таҳрири остида. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. –Т. 2004 й. 132-б.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар юзасидан гумон қилинувчи ва айбланувчини сифатли сўроқ қилиниши дастлабки терговни тўлиқ ва сифатли олиб борилишига хизмат қилади.